

## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



Ҳар фаслнинг ўзгача таъми, таровати бўлади. Лекин “олгин” дея таъриф берилган кузнинг бизнинг юртимизга таърифи бетакрор кечади.

— Кузақда атроф-муҳит, ҳавонинг тозариши, муболағасиз айтиш мумкинки, одамлар қалбига ҳам кўчади, — дейди Бўстонлик туманидаги Хумсон қишлоғида умргузаронлик қилаётган етмиш ёшли Холмат ака ҚЎЗИЕВ. — Ҳозир айна пишиқчилик маҳали. Деҳқон ҳам, боғбон ҳам йил бўйи қилган меҳнатининг меvasини сарҳисоб қилаётир. Ҳар қандай одамнинг кўзини қамаштиривчи мана бу олма-ларни кўринг, насиб этса, келгуси кузақкача ана шундай сархил неъматлар рўзгоримиздан аримайди. Бундай саховатли, бағри кенг, оқибатли, дастурхони ҳамини тўкин ва очиқ юрт қайда бор?

Суратни Машраб НУРИНБОЕВ олган.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

## ОИЛА — ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ МУҲОФАЗАСИДА

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча хайрли ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, маънавий негизларимизни янада ривожлантириш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш мақсадида қабул қилинган “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида “Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир” деган инсонпарвар тамойил ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Айтиш керакки, ушбу Давлат дастури амалдаги қонун ҳужжатларига оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар, қоида ва нормалар ишлаб чиқиш, ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, “Соғлом она — соғлом фарзанд” тамойилига мувофиқ оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича аниқ мақсад ва режаларни ўзида қамраб олганлиги билан эътиборга лойиқдир. Бу вазифалар орасида қизларни эрта турмушга узатмаслик, 9 синфни битирган қизларни тўлиқ касб-хунар коллежларига, академик лицейларга жалб этиш муҳим ўрин тутди.

(Давоми 2-бетда)



## «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

акциядорлик компанияси —  
обунага кўмакчи

Ҳурматли юртдошлар!

2013 йил учун обуна давом этмоқда

## 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

(Давоми. Боши 1-бетда).

Зеро, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига назар ташласак, ҳар йили 18 ёшгача бўлган давр мобайнидаги ҳомиладорлик ва туғиш оқибатида дунё мамлакатларида миллионлаб бола ва оналар ўлими қайд этилади.

Дарҳақиқат, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақ-

**“Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир”.**

Ислом КАРИМОВ

курған қизлар оилавий ҳаётга, соғлом оналикка жисмонан ва психологик жиҳатдан тайёр бўлмаганлиги, касбсиз, хунарсиз, оила борасида нафақат масъулияти, балки тушунчаси ҳам бўлмагани сабабли, оила-

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 30-моддасида ҳам оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи қонуний вакилларига жуда катта масъулият юклатилган. Унда, **“Вояга етмаган**

# ОИЛА — ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ МУҲОФАЗАСИДА



дим этилган ҳисоботларга кўра, 18 ёшгача бўлган қизларда ҳомиладорлик жараёнида оғирлашув ҳолатлари 20-30 ёшда ҳомиладор бўлган қизларга нисбатан 2 баробар кўпроқ учрайди. Ушбу ёшдаги ҳомиладорлик тўлиқ шакланмаган болаларнинг туғилиш ҳолатини 20 фоизга, оналар ўлими ҳолатини 5 ва болалар ўлими ҳолатининг 2 баробарга кўпайишига олиб келади.

Мутахассислар эрта турмуш куриш она ва боланинг соғлиғига путур етказиш хавфини оширишига тажрибада гувоҳ бўлишган. Масалан, 2011 йилда бундай никоҳдан 33 нафар ногирон ва бошқа жисмоний нуқсонли бўлган болалар туғилган, 16 та гўдакларнинг ўлими ва 2 та оналар ўлими ҳолатлари қайд этилган.

Айрим ота-оналар ўзларининг орзу-хаваслари йўлида фарзандлари тақдирини чуқур ўйламасдан, академик лицей ёки касб-хунар коллежларини битирмаган ёки никоҳ ёшига етмаган қизларни ФХДЁ органларидан рўйхатдан ўтмасдан, диний расм-русумларга биноан эрга бериб юборишмоқда. Бу эса қизларнинг эрта оилавий муносабатларга кириб кетишига, уларни академик лицей ва касб-хунар коллежлардаги мажбурий таълим билан қамраб олиш даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Энг ёмони, она ва бола соғлиғига жиддий хавф турдирмоқда. Барвақт турмуш

вий турмушда кўплаб қийинчиликларга дуч келишмоқда.

Ҳолбуки, ёш авлоднинг баркамол ривожланишини таъминлаш, болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, эрта никоҳларнинг олдини олиш, тўлақонли таълим олишларини кафолатлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида **“Ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттунарига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар”** деб белгиланган. Ушбу Асосий қонунимизга асосланиб, Оила кодексининг 73-моддасида ҳам ота-оналарнинг болаларига таълим-тарбия беришга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари куйдагича белгиланган.

**“Ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт.”**

**Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида гамхўрлик қилишлари шарт.**

**Ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга.**

**Ота-она болаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаши шарт.”**

**болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими олишлари учун жавобгардирлар”**, деб белгилаб қўйилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ота-оналар, уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига тўлмаган ўсмирни эрга берганлик ёки уйлантирганлик учун, никоҳ ёшига етмаган шахс билан диний расм-русумларга биноан никоҳ тузиш маросимини ўтказганлик учун ҳамда никоҳ ёшига тўлмаган шахс билан эр-хотинлик муносабатларида бўлганлик учун жавобгарлик масаласи юзасидан “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги ва Жиноят кодексларида тўлдиришлар қиратишмоқда.

Хулоса қилиб айтсак, ота-оналар ва диний расм-русумларга биноан никоҳ маросимини ўтказётган шахслар қонун олдида барчанинг баробарлигини, қонуналарга риоя этиш, ҳамма учун ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини, жамиятимизда қонун устувор эканлигини, ҳеч бир қонун бузилиши жазосиз қолмаслигини яхши билиб қўйишлари лозим.

**Робохон АБДУРАСУЛОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**



BOSH SAHFA | QO'MITA HAQIDA | HUBATLAR | BOTIMLAR | MUKOFOT HAQIDA | AXBOROT XIZMATI | BOLDIRISH

## ЎЗБЕКISTОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова имконияти чекланган болалар учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда киши мавсумга тайёргарлик ишлари билан танишиш мақсадида Тошкент шаҳридаги бир қатор ижтимоий муассасаларда бўлди.

Ушбу жараёнда “Мурувват” ногирон болалар учун 2 сон интернат уйида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар, 100 ва 102-махсус мактаб интернатларда тарбияланаётган ногирон болаларнинг турар-жойларидан тортиб, озиқ-овқатлари таркиби, муассасанинг тоза-озодалиги ҳамда бу ерда ишлаётган хотин-қизларга яратилган шарт-шароитлар батафсил ўрганилди.

\*\*\*

Юртбошимизнинг 1999 йил 10 июндаги “Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича тақлифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш бора-сида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, йўриқномага асосан ҳар йили сентябрь ойида мазкур мукофотга ўтказиладиган танловнинг таълим муассасаларидаги босқичи, октябрь ойида туман (шаҳар) босқичи ўтказилиши кўзда тутилган.

Куни кеча Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида Зулфия номидаги Давлат мукофоти танловининг Тошкент шаҳар Олмазор тумани босқичи ўтказилди. Унда фан, таълим, маданият, санъат, адабиёт йўналиши бўйича 25 нафар киз иштирок этди.

\*\*\*

ria.ru веб-сайти маълумотларига кўра, 2011 йилнинг декабрь ойида БМТ томонидан 11 октябрь Халқаро қизлар кунини сифатида эълон қилинган эди. Жорий йилнинг 11 октябрь кунини илк бора ушбу сана нишонланди. Маълумотларда келтирилишича, ёш қизларнинг эрта турмуш куриши ва она бўлиши нафақат уларнинг соғлиғига, балки фарзанди келажагига ҳам салбий таъсир кўрсатаётди. 18 ёшгача она бўлган қизларнинг ўз болалигини эрта йўқотиб қўяётгани айниқса, ачинарлидир.

БМТ маълумотида кўра, бутун дунёда 75 млн. нафар қизлар турли сабабларга кўра таълим олиш имкониятига эга эмас. Уларнинг 39 миллионини 11 ёшдан 15 ёшгача бўлган қизлар ташкил этади. Ёшларнинг эрта турмуш куриши минглаб оилавий ажримларга, ёш қизларнинг бевақт ўлимига сабаб бўлаётди. Ўзбекистон қизларининг бахти шундаки, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида миллионлаб қизларнинг таълим олиш имкони чекланган бир пайтда давлатимиз раҳбари томонидан олий ўқув юртида имтиёзли ўқиш ҳуқуқини бериб бериш Зулфия номидаги Давлат мукофоти ҳамда “Нихол” мукофоти таъсис этилгани катта имконият эшикларини очди. “Янги авлод”, “Келажак овози” каби танловларнинг жорий қилиниши ва таълим олиш ҳуқуқини кафолатловчи стипендияларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, “Истеъдод” жамғармасининг йўлланмаси билан минглаб қобилиятли йигит-қизлар жаҳоннинг энг нуфузли ўқув юрларида тахсил олаётгани алоҳида таҳсинга лойиқ.

**Бандлик дастури — амалда!**

## ХУНАРДАН РИЗҚ УНАДИ

Қўлингда хунаринг бўлса, қилаётган ишингдан завқ оласан киши. Келажакингдан кўнглинг тўқ бўлади. Ҳаётга бошқача кўз билан боқасан. Норин туманининг Ҳаққулобод шаҳрида истиқомат қилувчи Нафисахон Раҳмонова тикувчиликни онасидан ўрганган.

— Кимгадир либос тиксам, у мижозимнинг кўзини қувнатса, кўнглидагидай қичса, севиниб кетаман. Юртимизда хунарманд ва тадбиркор хотин-қизларга яратиб берилаётган имкониятлардан мамнунман, — дейди у.

Утган йили Нафиса учун ҳар галгидан-да омадли келди. Май ойида «Бернина-Тикувмаш» МЧЖнинг Тошкентдаги ўқув марказида тахсил олди. Шундан сўнг унда мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш нияти туғилди. Туман ҳокимлиги кўмаги билан «Нафиса нафис тикув» хусусий корхонасини ташкил этиб, «Микрокредитбанк»нинг Ҳаққулобод филиалидан 2 миллион сўмлик имтиёзли кредит олди. Бу маблағга бир қисм ўз улушини қўшиб, Хитой ва Швейцарияда ишлаб чиқарилган бири 3, бири 21 турдаги чок ишларини бажарадиган тикув машиналари, бичув станогини ва махсус даэмол сотиб олди. Зехни ўткир, ўзи каби тикувчилик, хунармандчиликка ҳавасманд қизларни ёнига олди. Натижада 6 та иш ўрни яратди.

Ҳозирги кунда эса улар аёллар учун енгил кийимлар, жумладан, кўйлак, халат, костюм-юбка, ўқувчи-қизлар учун мактаб формалари ҳамда замонавий услубдаги пардалар тикшишмоқда. Буюртмачилар сони ҳам ошиб бормоқда. Ёш тадбиркор келгусида фаолиятини янада кенгайтириш ниятида.

**Шахло ТОШБЕКОВА,  
Наманган вилояти.**

Хотин-қизлар кўмиталари фаолиятдан

“ИБРАТ”ДА ИБРАТЛИ  
ОИЛАЛАР КЎП

Айрим маҳалла фаоллари билан суҳбатлашиб қолсангиз, ўз вазифасига оддий бир юмуш деб қарашни сезиб olasиз. Аммо иш кун ва вақтини чегаралаб олмаган, маҳалла идорасига бир кун бормаса, тунда уйқуси қочадиган фаоллар ҳақида эшитганмисиз? Учтала туманидаги Ибрат маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилот раиси Гулсара Абдуллаева ҳамisha маҳалладошларига елкадош бўлиб яшаётган ана шундай фидойи аёллардан бири.

— Аксарият аёллар нафақага чиқсам, мазза қилиб кексалик гаптини суриб яшайман, деб ўйлайди. Сиз ҳам айни шундай ёшдасизу, лекин ҳамон халқ хизматидасиз. Бунинг сирини нимада? — Йигирма беш йил мактабда ишладим. Бу вазифани менга ишониб топширишганига ҳам олти йилча бўлиб қолди. Ҳар кун эрталаб ўғилларим, келинларимга бажарадиган юмушларини тайинлаб, маҳаллага чиқиб кетаман. Ён дафтарида рўйхатнинг энг бошида кам таъминланган, мухити носоғлом оилалар туради. То маҳалла идорасига етганимча учтўртта хонадонга кириб, қайнона-келинлар билан суҳбатлашиб, кўнгил сўраб чиқаман. Шу маҳаллага келин бўлиб тушганимга 39 йил бўлибди. Лоф эмасу, аммо аҳолининг катта-уки кичиги, деярли ҳаммасини танийман, биламан. Одам-

лар ҳам мен билан яқин киши-сидай дардлашишади. Шундай ибратли қайнона-келинлар борки, уларнинг бола тарбияси, рўзгор туттишдаги билимларини жилд-жилд китоб қилиб ёзса арзийди.

— Фаолиятингизда кўпроқ нималарга эътибор қаратасиз?

— Сир эмаски, ўзбек оилаларида қиз бола тарбиясига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади. Ёшлигидан бошлаб тозалликка, пазандалликка, муомала маданиятига ўргатиб борилади. Ўғил отанинг суянчиги бўлса, қиз бола онанинг юзи. “Онасини кўриб қизини ол» деган гап бежиз айтилмаган-да. Албатта, қиз боланинг бахти кўп жиҳатдан унинг ақл-идрокида, ҳар ишда эпчил, лобарлигида, одобида, ҳаё-ибосида. Шунинг назарда тутган ҳолда фаолиятимизни “Маҳалла — Мактаб — Оила” концепцияси асосида олиб боришга қаратяпмиз. Ҳар ойда икки-уч марта худудимиздаги 116 сонли умумтаълим мактабидоғи ўқувчи қизлар билан мулоқот олиб борамиз. Мактабларда “Ораста қизлар” клубининг ташкил этилиши ҳам ишимизни янада жонлантирди.

Яқинда бир қайнона хузуримга келиб, “Келиним билан ҳеч тил топиша олмапмиз. На



мени, на ўғлимнинг гапига қиради. Кўни-кўшнилар олдида тор шим, калта юбка кийиб юришидан уялиб кетаман. Бир-икки марта насиҳат қилиб кўрдим. У бўлса, “Ёшлигимдан шунақа кийинишга ўрганганман”, дейди. Замонавийликни бу ёшлар бошқача тушунишяпти шекилли”, деб қолди. Ўша келинчақ билан суҳбатладим. Келинининг ҳаёси, тарбиясининг кийган кийимида акс этишини тушунтирдим. Гапларимдан тўғри хулоса чиқарса, ўзига фойда.

Ёшларни турмушга тайёрлаш борасида ишни аввало ни-

коҳланувчиларнинг оналари билан суҳбат ўтказишдан бошлаймиз. Тиббий кўриқнинг афзал томонларини тушунтирамиз. Бир-бирига кўнгил бериб, оила қуришни ният қилганларга ҳаёт тажрибасига эга бўлган инсонлар тўғри йўл кўрсатса, келажакда чиройли оила барпо бўлади. Ёшларнинг оила ҳақидаги билимларини бойитиш мақсадида мўъжаз кутубхона ташкил қилганмиз. У ерда оила, рўзгор, эр-хотинлик вазифалари ҳақида батафсил тушунчалар берувчи кўплаб китоблар бор. Турмуш қуриш ниятида маслаҳат сўраб хузурим-

га келган ёшларга Оила кодексидан ўзларининг ҳуқуқ ва бурчлари нималардан иборат экани ҳақидаги бандларини, мазмун-моҳиятини тушунтираман.

— Маҳаллангизда ибрат қилиб кўрсатса арзийдиган оилалар кўп экан. Уларнинг бошқаларга ўхшамайдиган жиҳатлари нималарда деб ўйлайсиз?

— Бундай хонадонлар бисёр бизда. Шундайлардан бири Шохистахон Аҳмаджоновалар оиласини ҳар доим фахр билан тилга оламан. Тўрт фарзанди бор. Айрим аёлларга ўхшаб кўча-кўйда беҳуда гап сотиб, вақтини ўтказмайди. У доимо мактабга бориб, болаларининг ўқишини, хулқини суриштиради. Фотимахон Алиева ҳам маҳалламиздаги ибратли қайноналардан. Икки келинини ўқитиб, олми маълумотли қилди. Кабиши шифокор. Келинларининг ўқишига шароит яратиб бериш учун ишдан таътил олиб, невараларининг тарбияси билан шуғулланди. Жуда аҳил-инок, ҳаммининг ҳаваси келади.

Ҳа, Гулсара опа каби жонқуяр, фидойи аёлларимиз бор экан, оила кўрғонлари мустаҳкам бўлаверади. Биз эса уларнинг ибратли ишларидан андоза олиб, ҳам оиласи, ҳам маҳалласида обрў топаётган аёллар сафи кенгайверсин, деймиз.

“Оила ва жамият” муҳбири Нигора АЛИШЕР қизи суҳбатлашди.

Маҳалламизда обрў-эътиборли, ўзига тўқ бир дўстимиз яшайди. Оила аъзоларининг иноқликларига ҳамма ҳавас қилади. Бу хонадонда бақир-чақир у ёқда турсин, ҳатто ҳеч ким овозини кўйиб гапирмасди. Келишмовчилик ёки жанжал деган ноҳуш ҳолатни бирор кимса шу кунгача сезган эмас.

...Бир кун уч-тўрт оғайни уни кўргани уйига бордик. Дўстимиз бизни очик чехра билан кутиб олди. Аммо ҳовлида ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Хотин ва бола-чақалари меҳмонга кетишган бўлса керак, деб ўйладик. Бироз чақ-чақлашиб ўтирдик. Узимиз олиб келган масалликлардан овқат тайёрлашга киришдик. Ошпазлик вазифасини эса уй эгасига юкладдик. Тўғралган сабзи-пиёз ва гўштни олиб, дўстимнинг ёнига бордим. Ошхонани бурқсиган тутун босибди. Ёғни доғлайман деб ёндириб юборибди. Саришта-саранжомликдан асар ҳам йўқ. Ювуқсиз лаган-товоқлар пала-партиси ҳолда қалашиб ётибди.

— Ҳа, дўстим, хотиннинг қадри ўта-яптими? — дедим ҳазиллашган бўлиб. — Уларнинг кетганига анча бўлганга ўхшайди-ёв. Ишчилиб, ораларингдан оламушук ўтмадимми?

— Ўтди... Ҳе йўқ-бе йўқ, отасиникига аразлаб кетирдик.

- Бунга анча бўлдимми?
- Икки-уч хафтача бўп қолди.
- Йўғ-е? Нималар деяпсан?
- Ҳа, очиги, бошим қотиб қолди. Бу ёшдаги ёлғиз эркакнинг аҳолини ўзинг тушунасан. Оилада хотиннинг ўз ўрни бўларкан. Болаларим ҳам тушларимга кириб чиқади. Жуда қўйналаяпман. Лекин қайнонам тилла хотин. Аёлим онасининг гапига ҳам кирмаяпти. Ўртага одам қўйи десам, маҳаллада гап-сўз бўлмасин, деб ор қиламан. Ахир, икки қизимнинг бўйи етиб турибди. Ўғлим уйланадиган ёшда. Айниқса, кенжа қизимнинг овозини эшитгим келади. Эҳ, юрак-бағрим эзилиб кетаяпти...
- Нима, аразлашишга арзирли би-роқ жиддий сабаб борми?
- Билмадим, мендан ўтдимми ё... ёшимиз ўтиб, инжиқлашиб бораёпмизми? Биласан, топиш-туттишдан ҳеч камчилигим йўқ. Эътиборли жойда ишлаш-

ман, ойлигим ёмон эмас. У мактабда ўқитувчилик қилади. Олий маълумотли. Ишдан ҳориб-чарчаб келган пайтимида ноҳўя гап қилгандирман, балки. Лекин бу ажралишга сабаб бўлолмайди, тўғрими? Эр-хотиннинг уриши — дока рўмоннинг қуриши, дейишадими-ку, аммо бу ҳолатда қандай қарорга келишни ҳам билмайсан. Икки-уч марта уйига бордим. Биласан, жанжал кўтарадиган ода-тини йўқ. У бўлса, мени дарвозаси ол-

дидан қайтариб “Менга энди бегонаси, таом!” деса бўладими! Яна онасига эшиттири-иб!

Турмушининг темир мушти бошимга тушди, дўстим. Бунинг нималигини тушунаёсанми? Инсонда ор-номус, ҳаё, гурур ҳам бўлиши керак-ку! Дардимни кимга айтмай? Ҳаммасини сабр билан ичимга ютиб, инсофга келиб қолар, деб индамай юрибман. Аммо болаларимга жабр бўлди. Шуниси ёмон алам қила-япти...

— Ўртага тушайликми?

— Бир уриниб кўр-чи. Фақат бу ҳақда ҳеч ким билмасин. Қайнонам билан гап-лаш. У киши ҳаётнинг аччиқ-чучугини яхши билади. Болаларимнинг ҳам фикрини эшитиб кўринглар.

Бу воқеадан уч-тўрт кун ўтгач, улбул харид қилиш учун Чорсу бозорига тушдим. Тўрхалталарни тўлдириб уйга қайтаётсам, музқаймоқ дўкони олдида бир қизалоқнинг ўксик ноласини эшитдим. Овоз танишдек туюлди. Юрагим шув этиб кетди. Ўғирлиб қарасам, дўстимнинг кенжа қизи.

— Мо-роҳ-нийи ей-ман!!!

— Шу қизчага битта музқаймоқ бери юборинг! Пулини мен тўлайман! — дедим дўкончига. Қизчанинг кўзларига боқдим: ичга ботиб кетибди, мунгли. Анча озган. Раҳимин келди, сўнг газабим кўзгади: “Норасидларнинг айби

нима? Катталарнинг қилмиши учун кичкинтойлар хабр кўриши инсофданми?”, деган фикр ўтди хаёлимдан.

Эртаси кунга гапга етар бир танишимни олиб, ўша аёл яшаб турган хонадонга бордим. Бироз уёқ-буёқдан суҳбатлашган, муддаога кўчдим.

— Синглим, дўстимиз қийналяпти. Ўртада бўлиб ўтган кўнгилсизликдан қаттиқ пушаймонда. Ўзингиз биласиз:

ДОКА РЎМОЛ  
ҚУРИСИН...

икки қизингиз узатишга тайёр. Ўғлингизни ҳам уйлантириш вақти келган. Айниқса, кенжа қизингизнинг кўзларидан отасини соғинганлиги шундоққина кўриниб турибди. Турмушни мушт, дейдилар. Фарзандлар бахт-икболи, келажиги учун ҳам биз — ота-оналар баъзи ноҳушликлардан кўз омишимиз керакмасми? Сизларнинг ҳолатингизда ажралишга арзирли ҳеч қандай жиддий сабаб йўқ. Уйингизга қайтинг, илтимос! Ярашнинг, эрингиз маҳалладан уялиб, бош кўтаролмай юрибди. Бундан ташқари, сиз чиғирикдан чиққансиз. Келинларнинг кўзига ёмон кўриниб нима қиласиз?

— Бунинг ҳеч иложи йўқ, ака, — деди аёл шартта. — Айтадиган гапимни ўзига айтганман. Топиш-тутишим яхши, уйда ўтирасан, дейди. Бу менга малол келди. Топиб келаяпман-ку, дегани таънадан бошқа нарса эмас, юрагимга қаттиқ ботди. Мен ҳам шу бола-чақа, рўзгор учун ҳалол меҳнат қилаяпман-ку. Севимли касбимдан ажралишни ҳам истамайман. Фарзандларимни ҳеч қимдан кам қилиб ўстирмайман. Тоғаларининг пули кўп. Битта-ю битта опасини ташлаб қўйишмас, ахир. Ҳадемай ўғлим ёнимга қиради. Ўзимизни ўзимиз эплаб кетамиз.

— Сингилжон, бундай гапларни қўйинг, ота меҳрини тоғалари беролмайди-ку?

Бирни кўриб фикр қил...

— Канақа меҳр ҳақида гапиряпсиз? Эрим деярли уйда бўлмайди-ку, кўпичча сафарда юради. Болаларим уйда ўтириб оталарини соғинишарди.

— Қўшининг ҳам уиси бузилмасин, дейдилар. Бир кун “аҳ, аттанг” деб қолманг.

— Пушаймон қилмайман, одам ҳар нарсасга қўникади.

— Ўзингиз-ку майли, воёга етиб турган фарзандларингизнинг тақдирини ўйламайсизми?

— Нега ҳаммангиз мени айблайсизлар? Ишхонамдагилар ҳам мени аҳмоқча чиқаришяпти. Ақлимни йўқотганим йўқ ҳозирча. Ўзимдан ўтганини ўзим биламан.

На илож, ўрнимиздан турдик. Дарвозадан чиқаётгандик, дўстимизнинг қайнонаси келиб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, муродимизни айтдик.

— Қайсарлигини қўймаптими? — деди онахон кўзларига ёш олиб. — Укалар ҳам ҳўп панд-насиҳат қилишди. Невараларимнинг кўзларига қаролаяпман. Юрагим тўкилиб кетади. Бечора кувейм тузуқ одам. Тўрт-беш марта олдимга бош эгиб келди. Айниқса, кенжа қизини бағрига босиб, юм-юм йиғлади. Эракка йиғласа, дунё йиғларкан. Қизимнинг бунчалик ўжар, бағриношчилигини билмаган эканман. Ёшлари бир жойга етганида бу кўргулик нимаси? Ишчилиб, ўзига инсоф берсин... Қариган чоғимда бу савдоларни кўриш жудаям оғир, болам. Кўпни кўрганларим ўртага қўйинг, зора инсофга келса...

Дардни яширсанг, иситмаси ошқор қилади, дейдилар. Албатта, аёллар сирини аёллар яхши билди. Лекин биз бу мавзунни мўҳомақа қилётганимиз йўқ. Инчунун, оиладаги меҳр-оқибатни эъозлаб, уни асраб-авайлаш, қадрлаш, аввало, аёлларга боғлиқлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Биз ҳар иккала томоннинг муроса кўчасини танлашига ишонамиз. Умид шулки, фарзандлар қамолини кўриб, эл олдида ёруғ юз билан юришга не етсин!..

**Ўзиникига маҳ-маҳ,  
бизникига воҳ-воҳ...**

Жиянининг бешик тўйдан қайтган кўшимининг кайфияти йўқлигини сездим-у, секин сўрадим:

— Тинчликми? Эрталаб роса хурсанд эдингиз-ку, ё тўй қолдирилди-ми?

— Йўғ-е, келинимиздан бироз ранжидим. Амма бўлганимга суюниб, тўлиб-тошиб борсам, хафсаламни пир қилди. Гулзодадон ўзича меҳмонларни икки тоифага ажратибди. Эрининг қариндош-уруғлари ва маҳалладаги кўни-қўшниларга айвонга, ўзи томондан келган меҳмонларга эса ичкаридаги залга жой хозирлабди. Меҳмонлар келишганида ичкари уйга чай олиб кириб, оғзим очилиб қолди. Дастурхонда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Ҳа, майли, имкониятлари бор экан, ҳалол бўлсин, дедим-у, айвонга чиқдим. Бу ердаги дастурхонга қарасам, ғарибгина, у ер-бу ерда нон, қанд-курс, чойнак-пиёладан бошқа ҳеч вақо йўқ. Ховли четидан иккита эрак кабоб пишираётганди. Бир пайт десангиз, ҳиди ҳаммаёқни тугиб кетган, иштаҳани қитқилдовчи кабоб тўла патнисни келининг сингисини ичкари залга олиб кириб кетаяпти. Унга "Ҳой, барака топгурлар, аввал маҳал-

**КИЛИНИНГ ҚАРИНДОШИ АҲЗАЛ?**

ладан бошламайсизларми? десам: "Ана, қозонда шурва қайналяпти", деса бўладими. Залга кабобдан кейин сомса, табака, охирида торт олиб кирилди. Ҳаммасини айвондагиларнинг олдидан намойиш қорона олиб ўтишгани ёмон таъсир қилди. Шунга айтсалар керак-да, "Келса эрнинг уруғи, бўлар юрак буруғи, келса хотин уруғи, топилар унинг йўриғи", деб.

**"Ўғлимнинг  
уйига сигмадим"**

Водийга хизмат сафарига кетаётган, ёши улғуроқ бир онахон билан ҳамроҳ бўлиб қолдим. Аёлни чехраси ҳеч очилмасди. Чидай олмади шекилли, охири ичидигани тўкиб солиди.

— Ташкентда ўғлим билан келиним ашайди. Қизим ҳам шу ерда институтда ўқийди. Байрам баҳона невараларимни бир қўриб кетай деб келувдим, аттан...

— Нима бўлди холажон, келинингиз билан аразлашиб қолдингизми?

— Ҳа, бироз тортишиб қолдик. Ўзлари катакладай икки хонали уйда туради. Уй эмас, карвонсарой дейсиз. Бир хонага келинимнинг бозорчи тоғаси хотини билан, бошқа хонага талаба жиянлари ўрнашиб олибди. Ёмон даллол ёнидан, дегандек, ўғлим бечора балқонда ётибди. Онаман-да, боламини ўз уйида ҳаловати йўқлигини қўриб, чидай олмадим ва охири: "Болам, ўзининг туғишган синглинг ётоқхонада яшаса-ю, келининг тоға-жиянларини боқиб ўтирсанг, уят эмасми?" Менинг гапларимни эшитиб қолган келиним юзинг, кўзинг демасдан, "Уй олаётганимизда мана шу қариндошларим ёрдан

беришган, билмасангиз билиб қўйинг, ойи. Ойда-йилда бир келасизу, яна ўртамизга совуқчилик тушириб кетасиз", деса бўладими. Менам чидаб туролмадим. "Келинжон, аёллар иморатта битта миҳ кўшса, уйни мен қурганман, деб туриб оларкан. Шунга ўхшаб сиз ҳам миннатга ўтдингизми. Шу уйни олаётганда раҳматли қайнотангиз кўрадаги мол-қўйларнинг ярмини сотиб бергани эсингиздан чиқдим энди. Қайси бир жигарингиз тўрт сўм пул берувди, айтинг, қайтариб берайин" дедим-да, шу захотиёқ ўғлимнинг: "Йўқ, ҳеч қайсиз кетмайсиз онажон, бугуноқ анавийларнинг ҳаммасини қувиб чиқараман, керакмас, сиз қолинг", деб ялинганига ҳам қарамай, кенжа қизимнинг ётоқхонасига кетдим. Келинимнинг таъна-маломатларидан диллим оғриб, тонгача уйқум келмаса денг. Кейин узр сўраб телефон қилди-ю, лекин...

**Одина ОТАЖОНОВА,  
психолог:**

— Қиз бола ўзга хонадонга келин бўлиб боргач, у ердаги тартиб-интизом, муомала маданияти, қариндош-уруғлар ўрта-

**Қарс икки қўлдан  
чиқади**

Мукамбар  
МУҲАММАДАЛИЕВА,  
ЎХСМОД туманидаги  
"Шодлик" маҳалласи хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилот раиси:

— Бир танишимнинг келини қайнона-қайнотаси билан атиги икки ойгина яшаб, "Қариндош-уруғларнинг келди-кетди-сидан безор бўлдик, ҳали амма-хона, ҳали тоға-жиянларнинг қадами узилмайди, яхши-си, кўчсак қутуламиз", деб эри билан ижара уйга чиқиб кетибди. Эшитиб, ҳайрон бўлдим. Қизларни оилага тайёрлаш мавзусидаги турли тадбирлар, семинарларда иштирок этиб, тажрибали аёллар билан суҳбатлашаман, фикр алмашамиз. Шу мавзуга



бағишланган бир тадбирда оилашунос олимлар қизиқ маълумотни айтиб қолишди. "Ёшлар қанақа оила моделини орзу қиляпти?" мавзусида олиб борилган тадқиқотда иштирок этган қизларнинг кўпчилиги турмушга чиққач, алоҳида яшаш истагини билдиришган. Ҳали эрнинг қавму қариндошларидан бирор ёмонлик кўрмай, тўлақонли муносабатга киришмай туриб, ёш келинларда бундай салбий тушунчалар шаклланишининг боиси нимада?

**Умида ая, икки келинли  
қайнона:**

— Яқинда бир дугонам келинли бўлди. Учрашиб қолганимизда хол-аҳвол сўрасам ўғлидан анча ёзғирди. "Болам ўзгариб қолди, хотини тарафга оғиб кетди, бизни менсимай қўйди", дейди афсус билан. Ахир ўзининг қизларинг ҳам куёвларининг қайириб олган-ку. "Қуёвми яхши, қизимнинг айтганини қилади, ўғлим ёмон келимининг айтганини қилади", деган мақол бошинга тушибди-да, десам: "Кўй, сен ҳам юрагимни сиқма. Ундан қўра бирор жўялироқ маслаҳат бер", деб яланди. Ваҳоланки, ўғлимнинг онгига ёшлиғидан мана шундай тарбияни сингдирган дугонанинг ўзи-ку. Қиз бола каби ўғил ҳам онадан андоза олади. Онанинг хатти-ҳаракатларига қараб туриб ўзига рафиқа танлайди. Отасининг қариндошларини ерга ураётган онани кўрган ўғилда, "хотин шунақа бўлар-

кан-да", деган тасаввур пайдо бўлади. Эрининг қариндошларини иззат-хурматини жойига қўйган аёлни фарзандлари бир-бирларига меҳр-оқибатли бўлишади. Қолаверса, отага хурмат билан қарашни ўрганади, уни ўзи учун доимо идеал инсон деб билади. Афсуски, хотин биринчи поғонада, эр эса ундан пастроқда турган оилалар фарзандларида фақат отаси бўлгани учунгина ноилжликдан муомала ва муносабат кўрсатиш ҳолатлари учрайди. Бундай муҳитда ўғил болалар ҳам ўз муаммоларини онаси билан ечишга уринади. Эрининг уруғ-аймоғини ҳурмат қилмаган аёл фарзандлари олдида отанинг обрўсини тушириш билан бирга, болаларни ҳам кўпроқ ўзига бўйсундириб олади. Оқибатда эрнинг оиладаги етакчилиги мавқега пуртур етади. Ана шундай оилалардан келгусида аёлларнинг измидан чиқмайдиган эрлар етишиб чиқади.

Ушбу мақолани чоп этаётган пайтимизда водийдан бир отахон кўнғироқ қилиб, келинига газета орқали ўз миннатдорчилигини етказиб қўйишимизни илтимос қилди:

— Кечирасизлар, мен Аъзамжон отабўламан. Ёшим 65 да. Уч ўғил, бир қизим бор. Ўғилларимнинг икитасини уйлаганман. Қизимни уза-тадиган пайтми тўсатдан аёлим оғир касалликка чалиниб, тўшакка миҳланиб қолди. Фақат

унга келинимиз Манзураҳон далда бўлди. Ёш боласи, уй юмушлари борлигига қарамай ҳар доим қайнонага атрофида парвона. Дориларини вақтида ичкизади. Аёлим ҳам ҳамма инжиқликларини фақат шу келинига қилади. Ўз қизи туриб фақат келини пиширган овқатларни ейди, шу келининг айтганларига сўзсиз бўйсунди. Уни тарбиялаб ўстирган ота-онасига минг раҳмат! Келиним барака топсин, ҳаммамизнинг иззат-хурматимизни жойига қўяди. Кўз тегмасин.

**Азалдан халқимиз ўзга хонадонга келин бўлиб бораётган қизга қариндош-уруғчилик алоқаларини мустақкам боғловчи ришта сифатида қараб келган. Қайнота-қайнонадан тортиб, ўша оилага дахлдор бўлган инсонларнинг иззат-хурматини жойига қўйиш, ҳаммани бир кўзда қўриб, хушмуомала бўлиш ўзбек келинлари учун ёзилмаган қонун вазифасини ўтаган. Хўш, бугунги келинлар-чи? Ўз зиммаларидаги арзимас бўлиб туюлувчи ушбу вазифани улар қай даражада удралашяпти? Бу мавзуга оид фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.**

Нигора РАҲМОНОВА,  
Оила ва жамият" муҳбири.



**СЕЛОФАН** – бугунги кунда "селофан халта", "селофан идиш" бирикмаларини жонли тилимизда кўп ишлатамиз. Хўш, бу сўз асли қандай маънога эга бўлган? "Селофан" сўзи асли латин тилидаги ва юнон тилидаги иккита сўздан ташкил топган. Яъни, латинчада "*cellula*" – "хужайра", юнончада "*phanos*" – "тиниқ, шаффоф" деган маъноларни англатган. Демак, вискозадан махсус йўл билан ҳосил қилинадиган, нарсаларни ўраш учун ишлатиладиган юпқа, сув ўтказмайдиган материал мазмунини ифодалаб келадиган "селофан" сўзининг туб илдизи "шаффоф хужайра" деган маънони билдирган.

**ШИРКАТ** – "ширкат" сўзи тилимизда кейинги пайтларда тез-тез ишлатилади. Бу сўзнинг туб илдизи "шерик", "шериклик" деган маънони англатган. Умуман, маълум ишни бирга амалга ошириш мақсадида бирлашган кишилар ҳамкорлиги, уюшмаси шу сўз билан ифодаланган. Шунингдек, тенг ҳуқуқли иштирокчилардан ташкил топган саноат ёки савдо уюшмаси ҳам "ширкат" деб аталади.

**ШТАНГА** – спортга оид бу сўзни ҳаммамиз эшитганимиз, умумий маъносини ҳам яхши биламиз. Машҳур штангачиларни ҳам таниймиз. Хўш, тахминан икки метрли металл таёқ ва унинг икки учига ўрнатилган маълум оғирликдаги диск тошлардан иборат, кўтариб куч синашда қўлланадиган бу спорт анжоми, яъни штангачининг туб илдизи қандай маънога эга?

"Штанга" сўзи тилимизга асли немис тилидан кириб келган бўлиб, у "узун таёқ", "хода" деган маънони англатган. Эҳтимол шунинг учун футбол дарвозасининг тепа ва ён ёғочлари ҳам "штанга" деб аталар.

**У штанга кўтаришда чемпион бўлган.**

Газетадан

**Эшқобил ШУКУР  
тайёрлади.**

Эрубой отасидан уч яшарлик пайтида етим қолди. Тақдирни қарангки, Жайлабой отага 50 ёшга тўлганида кўрган яккаю-ёлғиз фарзандининг камолини кўриш насиб этмади. Мурғак гўдакка Буражаб момонинг ўзи ота ўрнида ота бўлди, десак асло муболага қилмаймиз. Оназор болам бировларга мунгаймасин, дея ўзини ишга, меҳнатга урди. Қўни-қўшилари, маҳалла-кўй ёрдамида ҳашар қилиниб, пасттаққина гувала уй тикланди. Йиллар ўтди. Бу орада Эрубойнинг ҳам бўй-баста чўзилиб, оила қуриш фурсати етди. Камтарингина тўй бўлиб ўтди. Келин бўлмиш Шаҳодатхон ақлли, саришталли бўлгани учун ҳаммамнинг унга ҳаваси келарди. Қаранг, шу воқеаларга ҳам мана эллик йил тўлибди-я.

## ҚЎША ҚАРИГАНЛАР

Айни пайтда Шаҳодат мома ва Эрубой ота Қурбонбоевлар Окқўрғон туманидаги Элтамғали қишлоғининг "Қанка" маҳалласида истикомат қилишади. Уч ўғил ва уч қизни тарбиялаб, бугунги кунда 22 нафар невава, 8 нафар эваранинг суюкли бобо-момолари сифатида эл



орасида иззат-икромга эга.

— Шундай дорилоним кунларга етказгани учун Яратганга минг-минг шукроналар келтираман, — дейди Шаҳодат мома. — Ёлғиз келин бўлсам-да, эркакантиқликни билмадим. Қайнонамнинг чизган чизғидан қиммадим. Сахармардонда бобонгиз билан ўзимиз ияшаётган уйдан бир ярим қақирим наридаги экин майдонида велосипедда йўлга тушардик. Қиш кунлари десангиз, тизза баробар қор кечиб, ичимлик суви таширдик. Чолимнинг ҳайдовчи бўлиб ишга кириши оилавий аҳволимизни бир оз ўнглагандай бўлди. Шукурки, биринкетин болалар тўғилиб, ўсиб улғайишди ва қанотимизга киришди. Фарзандларимизнинг бар бирини ўзи танлаган соҳада ўқитдик, хунари қилдик. Неваваларимнинг ҳам ўқиб, олий маълумотли бўлаётганини кўриб "Замонангдан ўргилай, энди бу давру давронлар сизларники", дейман.

Эрубой ота бир вақтлар "Бир қулоч ерим бўлса эди, унга ҳамма экинлардан экардим", дея армон қиларди. Буни

## Одамлар орасида

қарангки, отанинг нияти холис экан, истиқлол унинг армони ушалтирди. Ота фарзандлари билан маслаҳатлашиб, 2000 йили 15 гектар ерда "Жайлабой" фермер хўжалигини ташкил этди. 2009 йилга келиб хўжалиқнинг ер майдони 75 гектарга етди. Техника хўжалик аъзоларига қанот бўлаётгани боис, фермер ҳар йили пахта ва галладан мўл ҳосил олмақда. Жумладан, жорий йилда галла топшириш режаси 110 фоизга уддаланди. Режадан ортиқча етиштирилган галла хўжалик аъзоларига тарқатилди. Ҳосилдан бўшаган галла майдонлари ҳайдалиб, кузги экинлар экилди.

Хўжалик давлатга пахта топшириш

режасини ҳам ошиғи билан бажарди. Биринчи теримдаёқ 142 тонна ҳосил хирмонга топширилди. Фермер хўжалиги аъзоларига туман ҳокимлигининг қимматбахо совғалари топширилди. Кекса бўлса-да, Эрубой ота ҳамон тиним билмайди. Биргина мисол, отанинг

ташаббуси билан ўтган йили маҳалла гузариди шинамгина дўконча қурилиб, хусусий тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда шу дўкон пештахтасидан деярли барча нарсани топиш мумкин. Бу эса аҳолини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлашда қўл келаётди. Энди кўпчилик бозорга

эмас, шу дўконга ўрганиб қолди.

Сухбатимиз ниҳоясида Шаҳодат мома бизга секин шундай деди:

— Менинг ёш келин-куёвларга айтадиган икки оғизгина гапим бор. Айтсам бўладими. Илоё, барчасининг умид билан тилаган кўрғонлари қадрли бўлсин, ниятлари ижобат бўлиб, кўша қаришсин. Аввало, ҳар бир инсон ўзи эъзозлаган гўшадан қадр топади. Баъзи ёшларга ҳайрон қоламан. Салгина тортишув бўлса, дарров отасиникига аразлаб жўнайди. Шундай пайтда, сен бугун ҳатлаб чиқаётган остонанга яна эртага қай юз билан қайтиб келасан, деб айтгим келади. Ахир остонанинг ҳам ўз ҳақи, масъулияти бор. Шундай экан, оилани мустаҳкамлашда энг аввало қайнона-келин кўпроқ рол ўйнашини ҳеч қачон унутмайлик.

Бундай ёруғ тилакларни жўр бўлиб айтаётган, кўша қариган отахон ва онахонга ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди.

Нигора ЎРОЛОВА,

«Оила ва жамият» муҳбири.

# ХОЛ — ТАҚДИР РОМЧИСИМИ?

Синоат

... Афсонага кўра, гўзал парилардан бири ёшгина чўпон йигитни севиб қолибди. Чўпон эса унинг устидан қулиб, севгисини рад этибди. Шунда пари йигит уйкуда бўлган маҳал келиб, хайрлашиш мақсадида унинг юзидан бўса олибди. Шу пайт унинг қайноқ кўз ёши чўпоннинг ёноғига тушиб юлдузча шаклидаги доғ пайдо бўлибди. Мана шундай қилиб хол пайдо бўлган экан.

Барча давр инсонлари холга доимо алоҳида эътибор беришган. Айниқса, Тибет ва Хитойда бу катта аҳамиятга эга бўлган. Хол самовий кучлар таъсири деб ҳисобланган. Тибетда Далай-лама авлодини танлашда холларнинг сони ва жойлашиш тартиби муҳим ўрин эгаллаган. Бу авлоднинг туғма холи тўрттадан кам бўлмаслиги лозим эди.

Кўпчиликнинг айтишича, инсоннинг холи орқали нафақат унинг табиати, балки тақдирини ҳам аниқлаш мумкин экан. Келажакдаги ҳодисалар ҳақида эркаклар танасининг ўнг қисми, аёлларда эса аксинча чап томонида жойлашган холлар орқали "маълумот" олиш имкони мавжуд. Танадаги холларнинг аҳамиятини аниқлашнинг энг машҳур усуллари Ричард Саундерснинг 1671 йилда ёзиб қолдирилган китоби орқали ҳаммага маълум. Замонавий тадқиқотчилар ушбу ҳужжатларга қўшимча қилиб, уни барча ўқий олиши учун имкон яратдилар.


Шундай қилиб, ушбу услубларга мувофиқ, чакка қисмида жойлашган хол инсоннинг билимга чанқоқ ва ақлли эканлигидан дарак беради, бироқ у ўз қобилиятларини кўрсата билмайди. Пешонадаги хол эркаклар учун тиришқоқлик, аёллар учун эса баргикенглик, шу билан бирга ўта ишонувчанлик белгисидир. Қошда жойлашгани никоҳ, аниқроғи, ўнг қошдагиси — эрта ва бахтли никоҳ, чапдагиси эса — кеч ва омадсиз қуриладиган турмуш ҳақида маълумот беради. Кўз бурчагидагиси кишининг ўта босиқ, тежамкор эканлигини билдиради. Ўнг ёноқдаги хол — севгининг эҳтиросли қайгулари, чап ёноқдагиси эса ташвишлар, кўнгилсизликлар, пул танқислиги муаммолари... Бурундаги хол ҳаётнинг ҳар жабҳасида омадни ваъда қилади, жумладан, улар қанча кўп бўлса, инсон шунча омадли бўлармиш. Лабдаги хол қувноқ ва очиқ хислатлардан дарак. Лабида холи борлар тез севиб қолади, ҳиссиётга бой, енгил ҳаёт ва турли саргузаштларни хуш кўради. Юқори лаб устидаги хол айёрлик ва хасисликдан, лаб остидигиси эса катта, кўпинча ижобат бўлмайдиган орзулар эгасига хосдир. Уларда қасос олиш

ҳисси ўта кучлидир.

Кимнинг холи бўйнида бўлса, у кучли ва соғломдир, бироқ аёллар бундай пайтда сувдан эҳтиёт бўлишлари лозим, эркакларда эса агар хол иккита бўлса, бу катта ёшга етганда хавфли кечармиш.

Кўкракдаги хол сохиблари ўзларини у ёқдан бу ёққа ташлаётган, ҳеч нарсада меъёрни билишмайди. Уларнинг ҳаёти юқорига кўтарилиш ва пастга тушишлардан иборат. Агар аёл кишининг чап кўкрагида холи бўлса, бу ишқий муносабатда кўпгина галабаларга эришишини билдиради.

Ўнг қўлдаги хол бойлик ва соғлиқ ваъда қилади, чап қўлдагиси эса пул-



ларни ўнгу сўлга совурадиган, қимор ўйинларига муккасидан кетган инсонларга тегишли экан. Кимнинг елкасида холи бўлса, унга бутун умри давомида омад ҳамроҳ бўлади. Бундай кишилар ўта қатъиятли, ҳар ишни режа асосида амалга оширадиган, ҳазил-мутойбага ўч бўлади.

Аёл кишининг белидаги хол наслдорликдан нишона. У қанча катта бўлса, фарзандлари шунча кўп бўлади. Кафтлардагиси мустақил, мағрур, кўркмас, мард одамларда учрайди. Холлар билан бўлса, бу бахт, омад, бойлик ва ажойиб фарзандлардан дарак беради.

Саундерснинг фикрича, агар хол бўйиннинг орқа чап қисмидан жой олган бўлса, эркаклар учун бу келажакда айрим кўнгилсизликлардан дарак берадими.

Холларнинг ранги ҳам муҳим аҳамиятга эга: тўқ ранглиси соғломлик ва омадни, оч ранглиси ўта босиқлик, қизғиш тусдагиси эса ҳиссиётга бойлиқни аңлатади.

Мабодо қайсидир хол сизга нохушликдан хабар бераётган бўлса, бунинг учун умуман тушқунликка тушиш ярамайди. Ахир, ҳар қандай хол ҳам Яратганнинг бизларга инъом этган белгисидир.

Гулчеҳра АЗИМОВА тайёрлади.

## ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ

Тангрининг тоат-ибодатини билим билан қилгин, ҳамма нарсанинг эшигига тамға бўлади.

Билим билан қилинган тоатнинг фойдаси бисёрдир, билимсиз тоат қилинганда унинг манфаати бўлмайд.

Тилак тиланмаслик, тириклик тиллаш керак, тилақни топиш учун тириклик таянч бўлади.

Ким ўз манфаатини бир ёққа қўйиб, машаққатлар билан ўзгалар манфаатини кўзласа, кишиларнинг энг яхшиси ўша бўлади.

Яхшини барча одамлар ардоқлайдилар, ўша яхши киши қани, мен ҳам уни ардоқлайин.

Юсуф Хос ХОЖИБ

Баймуродова Райҳона Ўроқовна номига берилган Тошкент шаҳар Миробод тумани Афросиёб қўчаси, 12-уй, 105-хонадонга тегишли уй режаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

### РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА

#### «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таълиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.	Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.	Гўзаллик салоғига тайёрлаш — 1 ой.
Аёллар костюм-шим, плаш-пальто — 1-2 ой.	Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқуш, 2 ойи амалиёт.	Тўқувчилик — 2-3 ой.
Ҳамшира (тезор) — 3-4 ой (амалиёти билан).	Инглиз тили — 3 ой, Рус тили — 3 ой.
Тиббий массаж — 2 ой. Нуктали — 1 ой.	Бисер, яъни мунчоқ тиши — 2 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.	Декоратив гул, сарпо қути ва саватлар ясаш — 2 ой.
Торт олий курси — 1 ой.	Бисердан гуллар, даракхлар ясаш — 2 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.	Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.	Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва махияж — 1 ой.	
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.	
Элита парда ва чойшаблар тиши — 1 ой.	
Элита парда ва чойшаблар тиши олий курси — 1 ой.	

Барчаси амалиёти билан

Етоҳхона мавжуд.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.

МУЎЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йули кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЖАЛ: Қуйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

## АМИРҚУЛНИНГ ҲИКОЯСИ:

— Оилада кенжа фарзанд эдим. Балки бугунги фожиали қисматимнинг илк сабаби шундир? Акаларим қаторида туғилганимда, ёш етим қолмаган, ўз оилалари билан андармон бўлган оғаларим каби менинг ҳам ҳаётим бир маромда давом этаётган бўлармиди?..

Айтганимдай, ота-онам эрта қазо қилди. Ҳанда мен саккиз ёшда эдим. Етимликка тез кўнмадим, бошқа чорам ҳам йўқ эди. Гоҳ у, гоҳ бу акамникида кун кўрар, бир кун сўғам, иккинчи кун миннатли гап-сўз, муомалаларга дуч келардим. Менинг дардим, ўй-хаёлларим, келажиким ҳақида ҳеч ким қайғурмасди. Гўёки ортқича буюм эдим мен. Ҳеч кимнинг хужрасига сўғмасдим. Ташландиққа тош тегмас, деб тўғри айтган эканлар, мен ҳам улғайдим. Мактабни амаллаб тугатдим, кўлимда на бир хунарим, на бирор билим юртида ўқишга ўқувим бор эди.

Ховлида қолган акам (бошқалари алоҳида ховли-жой қилиб чиқиб кетишган эди): «Энди ўзингнинг аравангни ўзинг торт, тоқайгача жиянларинг ризқига шерик бўласан», деганидан кейин иш излашга мажбур бўлдим. Шундай кунларнинг бирида собиқ синфдошимнинг пойтахтга бориб, ишлаётганини эшитиб қолдим. У қишлоққа келганида, этагига осилиб олдим. Тошкентда дас-тлаб бозорда юк ташидик, кейин бировларнинг дала-ховлисида гишт-бетон қўйдик, томорқасида ишладик. Кунлар совиб, одамлар қурилиш ишларини тугатганида эса кўчаларда машина юва бошладик.

Бир кун бизнинг олдимизга оппоқ «Нексия» келиб тўхтади.

— Машина тез юваринг! — дея буйруқ берди ундан тушиб келган киз.

Биз ишга киришдик. Ҳалиги оймилтилла эса ишимизни кузатиб турди. У жуда чиройли эди. Қарагингиз сари қарагингиз келади. Унга қайта-қайта кўз ташлашдан ўзимни тийиб туролмасдим. Унинг ҳам менга бошқача нигоҳ билан қараганини сезиб қолдим. Машинасини ювдириш учун хар кун келадиган бўлди. Мана шундай бой-

Хонамизга бироз оқсаб кириб келган йигитнинг мунглик ҳикоясини эшитиб, бир неча кун ўзимга келолмай юрдим. «Опажон, менинг кўрган-кечирганларимни хоҳласангиз ёзинг, мен розиман. Фақат бир илтимосим, писми-шарфимни ўзгартирдинг. Уйлайманки, бу бошқаларга жиддий сабоқ бўлсин»...

бадавлат ва гўзал қиз танишим эканидан фахрланардим. Энди ўйласам, содда бўлган эканман.

— Менга ёрдам бер, — деди бир кун Диёра. — Агар сен ҳам ёрдам беролмасанг, ўзимни ўлдираман.

Мен унинг қатъий оҳангда гапиришидан қўриқиб кетдим.

— Тинчликми, нима бўлди? Диёра бир йигит билан танишгани, унга ишониб номуздан айрилгани, унинг гил-ёҳванд экани, ҳозир ундан кутулгани, аммо онаси (отаси йўқ

Шеригим Қодирнинг оғзини ёпсам бўлди-да», деб ўйладим ва кизнинг таклифига рози бўлдим.

Кейин у билан режа туздик. Шартга кўра, мен Диёранинг онаси ҳузурига боришим, бир-биримизни севишимизни айтиб, кизнинг қўлини сўрашим лозим эди. Шундай қилдим ҳам.

Диёранинг онаси бой хо-

нуфузли ресторанларидан бирида бўлган базмда ўтириб, туш кўраётгандай бўлдим.

Мен «ичкүёв» эдим. Тўйдан кейин «қайнонам» мол олиб келиш учун хорижга жўнаб кетди.

Бир кун Диёра билан ўртоғининг туғилган кунига бордик. «Хотиним» у ерда жуда кўп ичкилик ичди. Уни зўрга уйга судраб олиб келдим. Шу кун мен ҳам бироз ичгандим. Кейин...

У ёғини билмайман. Кизга ёрдам берганимни мардлик деб билдим. Аммо бунақа «мардликка» тупурган одам мард бўлишини кеч тушуниб етдим.

Диёра деярли хар кун уйга маст-аласт келарди. Ўзига ўхшаган сатанг дугоналари билан айш-ишрат қилишдан чарчамасди.

— Келишилган муддат тугаяпти, энди ажрашамизми? — дедим бир кун унга.

— Нима дединг, ажрашаман? Болачи?

— Қанақа бола? — эсхонам чиқиб кетди.

— Қорнимдагида! Нима, қамалмоқчимисан?

— Менга тухмат қилолмайсан!

Диёра мийғида кулиб қўйди-да:

— Яхши, кечкурун ҳал қиламиз бу масалани, — деди.

Кечкурун онаси бизнига келгач, Диёра кимгадир телефон қилди ва кўп ўтмай тоғаларим деб таништирган одамлар кириб келишди. Лексин мен уларни тўйда кўрмаган эдим.

Хуллас, ҳамма жамул-жам бўлганида, Диёранинг онаси қандайдир кассетани кўйиб берди. Унда... менинг «айбим»ни тан олганларим ва Диёра билан...

Мен ерга кириб кетишни истардим, аммо она ва киз бе-малол киприк қоқмай томоша қилишарди тасвирларни. Эраклардан хижолат тортишмасди.

Мен иккинчи бор ҳаммасини тан олишга мажбур бўлдим.

— Хато қилдим, айбимни

## Буни ҳаёт дейдилар

қандай ювайин? Сен билан яшашим керакми? — дедим Диёрага.

У хо-хобла кулиб юборди. — Сен билан яшайманми, ландавур? — деди бурнини жийириб. Сўнг қахрили нигоҳларини менга қадади:

— Бир йил хорижда ишлаб берасан!

«Тоғалар» асли шу мақсадда келишган экан. Улар менга ўз ихтиёрим билан хорижга кетаётганим, Диёранинг онаси-дан катта миқдорда қарз олганим ҳақида тилхат олволишди. Паспортизм ҳам уларнинг қўлига ўтди...

Тақдирга тан беришни билдими, аммо ўша вазиятда ҳуқуқи муҳофаза қилувчи ташкилотлардан ёрдам сўрашга ақлим етмади. Хорижга бориб буларнинг одамлари қўлидан қочиб кетаман, юртимга кетиб юбораман, деган оҳмаёл менга таскин берарди. У ёқда бир фермада хизматкорлик қилдим. Тиним билмай ишласам-да, қорним тўйиб овқат емасдим. Болаликда, ўз юртимда ўтган етимлик йилларим мен учун жаннатий давр бўлган экан, буни шундагина англай бошладим...

Бир кун асов буқанинг тагини тозалаётиб, фалокатга учирадим. Занжирдан бўшалиб кетган жониворнинг чангалидан мени ажратиб олишганида, ҳушимни йўқотган эканман. Аҳволимни кўрганлар бир-икки соатнинг ичида ўлиб қолса керак, деб ўйлашган. Аммо умрим бор экан, тирик қолдим. Касалхонада ўзимга келгач, ўша ердаги яхши одамлар орқали ватанимга қайтишга имкон топилди. Ва қайтиб келганим заҳоти собиқ «хотиним» ва унинг ҳам-товолқларини кирдикорларди ҳақида махсус идораларга мурожаат ёзиб бердим. Улар қилмишларига яраша жазосини олишди, лексин мен...

Ҳозир яримжон бўлиб қолган бўлсам ҳам, Худога минг қатла шукрким, ўз уйимданман. Бировга қарам эмасман. Олаётган нафакам тирикчилигимга етапти.

Бошимдан ўтган бу савдо-ларни нега қозоғга туширдим? Менга ўхшаган содда одамлар қанча кўп бўлса, фирибгар, товламачилар ҳам шунча топилади экан. Ҳеч ким менга ўхшаб алданиб қолмасин, дейман...

**Шахло ИСМОИЛЖОН**  
қизи оққа кўчирди



экан) уни турмушга чиқишга мажбурлаётганини гапириб берди.

— Йигитим бор, деб онамни ишонтирганман. Севганимга турмушга чиқишимга рози, аммо...

— Мен сенга қандай қилиб ёрдам беришим мумкин?

— Менга уйланасан.

— Нима?!

— Кўрқма, бу ёлғондакам бўлади. Тўйдан кейин бир ой яшаб, кейин ажрашамиз. Сен фақат тўйда катнашсанг бўлди. Қолганини менга қўйиб бер. Йўқ дема, бу хизматинг учун катта пул тўлайман.

Қишлоғимизда бунақа масалада «ўйин» ўйналмас эди. Бошим қотиб қолди. «Яхшигина пул тўлайман деди-ку, мени бу ерда ким таниб ўтирибди.

нимлардан бўлиб, сержаҳллик юз-кўзларидан кўришиб турарди.

— Қизим менга ҳамма гапни айтиб берди, унга уйланмаганимга сени нақд қамоқда чиритардим, тушундингми! — деди жаҳл билан.

Довдираб қолдим. Аммо кизга сўз берганман, индамай ўтиравардим.

— Диёра билан ўртангларда бўлиб ўтган воқеа ростми? — Рост...

Тилимдан шу сўз учди ва бу бошимга ёғиллажак балоларга дебоча бўлди...

Мен йигит бўлиб алдангандим. Ҳақ кунни бир макрора аёлининг тўрига илинган эдим. Ниҳоят тўй ҳам бўлиб ўтди. Ҳаммасининг бошида Диёранинг онаси турди. Пойтахтнинг

## ОЛМА СИРКАСИ

Олма сиркаси организм учун умумий мустаҳкамловчи, шунингдек, тери ва қомат коррекциясининг яхшилланишида самарали восита саналади.

Таом тайёрлашда гўшт маринадлаш учун олма сиркасининг таъми ва ҳиди жуда қўл келади. Шунингдек, у зирворлар, қайла ва майонез тайёрлашда ҳам ишлатилиши мумкин. Олма сиркасининг бир неча томчици сабзавотли салатларга ўзгача яхналик бахш этади.

Унинг паст калорияга (100 г. да 9 ккал) эга эканлиги, парҳез таомлар таркибида қўллашга имкон беради.

Уй шароитида олма сиркасини тайёрлаш жуда осон, бунинг устига унинг сифати сезиларли даражада юқори бўлади. Сирка тайёрлашининг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, олмани кўпчи-тиш ишлари 30 кундан 60 кунгача давом этади.

Саноат усули билан ишлаб чиқарилган сирка хар хил: олма (кўп ҳолда пўсти ва ўрта қисми)ни ачитиш йўли билан ёки олма мусалласини кўпчи-тиш йўли билан тайёрланиши мумкин. Икки усул ҳам

ўзича дуруст. Яхши сирканинг асосий белгилари — кам фоизли (4-5%) экани ва идиш тагида қуйқа ҳосил қилмаслиги. Шундай бўлса ҳам, сирка қуйқа ҳосил қилиши мумкин, агарда у янги ва энди-гина идишларга жойлаштирилган бўлса. Шунингдек, олма сиркасининг 9 фоизли сирка эссенцияси, ароматизатор ва ранг берувчи моддалар аралашмасидан тайёрланган паст вариантли тури ҳам кенг тарқалган. Бу — синтетик сирка бўлиб, уни даволаш ва косметик мақсадда қўллаш тавсия этилмайди.

Кизиқарли факт Ривоятларга қараганда, ўз гўзаллиги билан оламга машҳур бўлган Миср маликаси Клеопатра озиш мақсадида олма сиркасидан фойдаланган экан. Шохона базмлардан сўнг хизматкорлар унга идишда сув ва олма сиркасининг тенгма-тенг аралашмасидан тайёрланган ичимликни олиб келишган. Уни ичган малика учун базмлардан сўнг семир-иб кетиш хавфи бўлмаган. Тўғриси,

## Биласизми?

ичимлик бундай пропорцияда бўлганига шубҳа билан қараш мумкин, чунки бу меъёр қондаларига тўғри келмайди ва бундай аралашма ошқозон шиллиқ қаватига жиддий зарар етказиши мумкин.

Лексин шунга қарамай, далиллар шуни кўрсатадики, бир ош қошиқ олма сиркаси хона ҳароратидаги сувга аралаштириб (таъбга кўра асал қўйса ҳам бўлади) ичилса, инсон кайфиятига яхши таъсир қилади. Умумий тонусни кўтариш мақсадида бундай аралашмани нонуш-тадан ярим соат олдин ичиш ўринлидир. Бундан сўнг, албатта, оғзини сув билан чайқаб ташлаш тавсия этилади, чунки сирка хар қандай кислота сингари тишлар эмалига жиддий зарар еткази-лади.

Айрим касалликлар билан оғриган беморларга олма сиркасини истеъмол қилиш мумкин эмас, шунинг учун аввал шифокор маслаҳатини олган маъ-қулроқ.

Гулчехра тайёрлади.



## ЭНГ БАЛАНДЛИКДАГИ МЕҲМОНХОНА

Энг тепаликдаги меҳмонхона дунёнинг энг баланд тоғида, яъни Ҳимолайда, шундоқгина Эверест чўққиси этакда қурилган. "Hotel Everest View" деб номланувчи ушбу меҳмонхона Непалдаги Сагарматха миллий боғи ҳудудида, денгиз сатҳидан 3880 метр баландликда жойлашган. Қайси бир хонанинг дерзасини очманг, ўша афсонавий чўққи кўз олдингизда намоён бўлади.

Айтиш керакки, бу меҳмонхона асосан альпинизм ишчибозлариға мўлжалланган. Альпинистларға тоғ



бўйлаб саёҳатда қийналмасликлари учун махсус йўналиш хариталари, шунингдек, альпинизм мутоақасилари ёрдамида Эверест чўққисиға саккиз кунлик сайр таклиф этилади. Дарвоқе, ушбу тоғ меҳмонхонасиға фақат вертолётда етиб бориш мумкин. Меҳмонларға эса тоғ шароитида юришға қулай пойабзал кийиш тавсия этилади. Негаки, вертолёт кўниб-учадиган майдондан меҳмонхонаға қадар ҳам 45 дақиқа пиёда юришға тўғри келади.

## ЁТОҒИ ЭНГ ҚИММАТ

Дунёдаги ётоқхонаси энг қиммат меҳмонхона Греция пойтахти – Афина шаҳрида жойлашган. Бу ердаги "Grand Resort Lagonissi" (Grand Resort Lagonissi) меҳмонхонасининг "Роял Вилла" (Royal Villa) деб аталмиш тунаш



мажмуасининг бир кечалик нархи 50 000 долларни ташкил қилади. Бу гўшада меҳмонлар учун шахсий сарой-бон, бош ошпаз ва пианиночи хизмат қилади.

Шунингдек, бу ерда гидромассажли бассейн мавжуд бўлиб, у Эгей денгизига қараб қурилган. Бассейн шундай қурилганки, унда чўмилётган одамға Эгей денгизи яққол кўри-ниб туради ва бассейн гўёки денгизға улашиб тургандек туюлади. Мажмуада яна кўплаб шохона хизматлар йўлга қўйилган. Эксклюзив кўнгило-чар дастурлардан меҳмонхонанинг шахсий самолётида грек ороллари бўйлаб саёҳат ҳам ўрин олган.

Наргиза СИДДИҚОВА  
тайёрлади.

## ЧИРОЙ ОМАД БЎЛОЛМАС ЭКАН

"Хусн тўйда, вафо-садоқат кунда керак" деган мақолнинг нақадар ҳақлигига ўзимнинг ҳаётимда амин бўлдим. Негаки, гўзаллигига учиб уйланган аёлим оила тутишда ҳам, бола парваришида ҳам ўта ношуд чиқиб қолди. Қиз боланинг чиройи унга бахт яратиб беролмаслигини кеч тушунганимдан афсусланман. Собиқ аёлим муомала маданияти, уй тутиш, рўзгор юмушларидан мутлақо беҳабар эди. Одам қилган ишни бошқа одам ҳам қилади-да, қолаверса, оиламни сақлаб қолай, деган умидда кўлимдан келганича унга билганларимни ўргатдим. Афсуски, икки фарзандли бўлганимиздаям, хотиним бирон ишни уқиш тугул, ўрганишға ҳам ҳаракат қилмади. Ҳатто болаларға ҳам меҳр беролмади. Менинг унга талабим эса фақат озодалик, болаларға тузуқроқ тарбия бериш эди. Аммо... келинг, ҳадеб нолийвермайинда, гапнинг индаллосига ўтайин. Хуллас, бундан икки йил муқаддам хотиним билан қонуний ажрашдик. Суд вояға етмаган фарзандларимни онасида қолдирди. Лекин яқин кунларда улардан бирини ўз қарамогимға олиш ҳаракатидаман.

Эрак кишининг яқка-ёлғиз яшаши жуда мушкул экан. Ҳайхотдай ҳовлида бир ўзим яшайман. Шифокорман. **Ёшим 47 да.** Уйда рўзгор учун зарур бўлган барча шароитларни яратиб қўйганман. Сариштали, оқила, иймонли аёл учраса, қайта турмуш қурмоқчиман.

НОДИР,  
Тошкент шаҳри.

## ҚИЗИМ БАХТЛИ, ЎЗИМ ЭСА...

Дунёда она деган зот борки, ўзини эмас, боласини ўйлайди. Турмушимдан ажрашгач, аксарият оналар каби битта қизимни ўйлаб қайта оила қурмадим.

Умримни шу қизимға бағишладим. Дегарли ййгирма йилға яқин у билан бир-биримизға суяниб яшадик. Қийналсамда, ҳалол меҳнатим билан кўзимнинг оқу қораси бўлмиш қизимни отасиз ўсаётганини билинтирмай ўстирдим. Ҳужайиним жуда баджаҳл, тезоб одам эди. У тўйимиздан илгари қилган жинояти учун қамалиб чиққанидан беҳабар бўлмасмиз. На илож, чидадим, фарзандим туғилгач, инсофға кирар, диёнатли

лаларидан тинчиган, иложи бўлса Тошкентда яшайдиган 55 ёшгача бўлган инсон қақиримимға жавоб беришиға умид қиламан.

КОМИЛА ОПА,  
Тошкент вилояти.

## ЭНДИ СОВЧИ КУТАЯПМИЗ

Тўғриси, олдинига тенгимни излаб тахририятға келишға ийманган эдим. Дугоналарим "Ўз жуфтингни топиш учун ҳаракат қилсанг, айб эмас" дейишгач, минг бир истихоло билан тахририятға келдим. **Ёшим 32 да.** Касб-хунар коллежини тамомлаганман. Чеварман. Уйда қизларға тикувчилик сирларидан сабоқ берман. Турли пишириқлар тайёрлашға қизиқман. Ҳозирги кунда дизайнерлик, компьютер қурсларига қатнашман. Биз асли бухороликимиз.

Мен эса оилада кенжа қизман. Опаларимнинг ҳаммаси турмушға чиқиб, бахтли бўлиб кетишган. Онам касалманд бўлганликлари сабабли уларға қарайман, деб вақтида анча совчиларни қайтарганман. Бугунги кунда онамнинг аҳволидан анча хотиржамман. Негаки яқинда укамни уйлантирдик. Келинимиз меҳрибон, қаққон қиз чиқди. Онамни кўнглимиздагидан ҳам зиёда қилиб парваришляпти. Буни кўриб жуда хурсанд бўламан. Совчиларнинг қадами узилганидан онам анча эзилди. Сенинг ҳам бахтингни кўрсам, сира армоним йўқ эди, дейдилар. Шунинг учун ёши қирқлар атрофида, бир-икки нафар фарзанди бўлган, уйим-жойим дейдиган, иши тайин, диёнатли инсонни излаб сизларға мурожаат қилаяпман. Ёрдан беринг, мен ҳам бахтимни топайин.

ДИЛОРА,  
Бухоро вилояти.



Бахтли бўлинг!

бўлар деб умид қилдим. Лекин у барибир тузалмади. Охири ота-онамнинг қистови ва шароит тўғри келмагани боис ажрашдик.

Яратганға шуқр, қизимни ҳавас қилса арзигулик қилиб тарбияладим. Олий маълумотли қилдим. Аини кунда уни яхши жойға узатиб, икки неваранинг бувижониси бўлиб ўтирибман. Гарчи кеч бўлса-да, яна турмуш қурмасам бўлмаслигини тушуниб етдим. Зотан, инсон боласи ҳар қандай ёшда ҳам бахтли бўлишға ҳақли. **Ёшим 52 да.** Маълумотим олий. Таълим соҳасида ишлайман. Маданиятли, инсофли, бо-

### ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукниға хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан), соғлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

## Ўрганганинг ўзиниға

### ШАМОЛЛАГАН БЎЛСАНГИЗ...

Одатда кузнинг намчил ва салқин кунларида шамоллаш ва тумовға чалиниш кўпаяди. Бундай пайтда ҳар ким ҳар хил муолажаларға қўл уради. Биров дорихонаға чопса, бошқаси халқ табибатиға суянади. Хуллас, кўрган- билган, эшитганимизға риоя этишға шошиламиз. Ҳўш, уй шароитида шамоллашдан қандай қутулиш мумкин?

● **Тумовни тузатишда:** қуритилган ёки янги узилган малинадан тайёрланган дамлама яхши самара беради. Дамлама кунига 2-3 маҳал, овқатдан сўнг 1 стакандан ичилади. Ушбу дамламани буғлаш ҳам тавсия этилади. Товоқ ёки кострюлкаға уни қуйиб, қалин сочик ёки одеял билан бошни ёпиб буғлашни ҳам мумкин. Муолажа кечқурун уйкуға ётишдан олдин қилинса, таъсири сезилади.

● **Гриппға қарши:** 100 гр. спирт бир донна хом тухум билан кўпиртирилади. Сўнг унга бир ош қошиқ шакар қўшиб, яна яхшилаб кўпиртирилади. Бу аралашма кечқурун ичилади.

● **Шамоллаганда:**

● **Биринчи муолажа**

Бир стакан сабзи шарбатига бир чой қошиқ асал ва бир ош қошиқ ўсимлик ёгини аралаштириб кунига ярим стакандан уч-тўрт маҳал ичинг. Муолажани бутунлай тузалиб кетгунча давом эттиринг.

● **Иккинчи муолажа**

1 ош қошиқ малина мураббоси, асал, спирт ва яримта лимон шарбатини яхшилаб аралаштирасиз, унга бир стакан иссиқ сув солиб, кечқурун уйку олдиндан ичинг.

● **Шамоллашнинг илк аломатлари сезилганда:** бир донна лимонни майдалаб кесиб, устиға 2 стакан шакарсиз қайноқ сув қуйиб, 20 дақиқа тиндириб қўйилди ва бир соат давомида ичилади.

● **Гриппға қарши:** турпнинг ичини тозалаб, унга тоза асалдан солинг ва бир кун қуйиб қўйинг. Тайёр бўлган аралашма ҳар кун ирталаб уйкудан турганда тузалгунча ичилади.

● Икки коса сувға бир пиёла гуруччи солиб, қайнатиб, пиширинг. Унга қатиқ, бироз туз, мурч солиб ичсангиз шамоллашнинг олдини оласиз.

● Бир донна лимон 20 дақиқа давомида духовкада пиширилади. Пишгач, иккиға бўлиб, яримтақининг шарбати сиқиб олингач, бир стакан қайноқ сувға аралаштириб, ҳарорат тушгунча ҳар ярим соатда ичиб турилади.

Латофат САБДУЛЛАЕВА тайёрлади.

## ҲОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

● Бир марта ишлатиладиган пластик идишларда чой, қаҳва, спиртли ичимликлар ва иссиқ овқатларни истеъмол қилиш мумкин эмас.

● Лат еганда, яра бўлганда, моматалоқ ва тери қаварганда терини тез тиклаш учун энг яхши шифобахш восита бу тузли компрессдир (1 литр сувға 100 грамм ош тузи).

● Қаттиқ товук гўштини тез ва юмшоқ пишириш учун 2 соат сиркали сувға солиб қўйинг.

● Сутни узок вақт ачитмасдан с а қ л а м о қ ч и бўлсангиз, унга бир чимдим туз қўйинг.

● Қатиқ зардобни тери рангини оқартиришда энг яхши воситадир.

● Ҳафтада бир марта соч илдизига зайтун мойи суртиб, 40 дақиқадан сўнг шампунь билан ювиб ташланса, бу муолажа қуруқ ва синувчан сочларни даволашда ижобий самара беради.

● Камин ичидаги кулни тозалаш учун энг яхши усул чангюттигандан фойдаланишдир. Ундан кейин эса намланган мато билан артиб ташланг.

● Шим ёки оёқ кийимингиздаги ўтказгич бузилмаслиги учун унга озроқ вазелин ёки ўсимлик ёғи суртиб қўйинг.

● Супургингиз узок "хизмат" қилиши учун уни ишлатишдан олдин 10 дақиқа шўр сувға солиб қўйинг.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.

Ўтган асрнинг олтинчи йиллари эди. Сурхоннинг бир томони адир, иккинчи томони тоғларга тушиб кетган қишлоғи. Ҳар кўкларда томлариди қизгалдоқлар қилқизил бўлиб очилдиган оддий бир макон. Хотирадан чиқмайдиган ажиб бир манзарадан беихтиёр дилингиз ёришади.

— Ўғлим, бугун уйга эски ошналари келишди, — дейди ота ўғлига, — мана, пул. Шунга олиб, югуриб боргин-да, мулла Маҳматқулникидан икки кило гуруч олиб кел.

Ўсмир пулни оларди-да, оёқларини кўлларига олиб югурди. Одати шундай эди — юрмасди, балки югурди. Чунки ғайрати, шиддати ичига сиғмасди. Йўлда чопиб бораркан, ҳовлилардан бирида доғланаётган зигир ёғининг хушбўй хиди димоғига "гул" этиб урилди. Бу хушбўйлик уни янада сархуш қиларди. Йўл туғаб, тор, лой кўчалар бошланарди. Ва ниҳоят, ўсмир номи тилга олинган бобонинг уйига етиб борарди. Дарвозадан туриб чақирарди. Ичкаридан жавоб келар ва бобонинг ўғилларидан бири ўсмирга юзланарди.

— Ҳа, гуручга келдингми? — сўрарди дарвозани очган бола бир оғиздан.

— Ҳа, шундай, отангни чақириб юбор, — дерди ўсмир одатдагидек.

Ичкаридан шошилмасдан, бери-бир қадам ташлаб чиқиб келган бобо желанинг киссасидан калитни авайлаб чиқарар, сўнгра омборхонани очарди. Омборхонадан эса ўзига хос хид анқиб турарди. Бунда жайдари бугдойнинг ҳам, зигир ёғининг ҳам, мева-чева ва зах хиди ҳам аралаш эди. Умуман ўсмирга бу ердиги хид таниш эди. Хусусан, зигир ёғининг ўзига хос хушбўй хиди аён сезилиб турарди.

Бобо шошилмасдан қоллардан бирининг оғзини очар, сўнгра паллали тарозини текшириб кўрар, посангига

диққат билан қарарди. Кейин эса гуручдан солар, жуда эҳтиёткорлик билан, тарози палласидан кўларини узмасдан, икки кило гуручни тортиб берарди. Тарози паллалари тенг келганда эмас, балки гуруч солинган томонини оғир қилиб берарди.

Бу ҳам етмагандек, қолдан яна бирикки сиким гуруч олиб, тарозидан кўз узмаган ҳолда дерди:

— Болам, тарозининг ҳисоб-китоби кўп оғир-да. Қиёмат куни ҳисоби қаттиқ сўралади.



Бу гап ва иш ҳар сафар бирдек такрорланарди. Ўсмир қарар, қузатар ва бобонинг шу гапларини такрор ёшитарди. Кейинчалик (орадан кўп йиллар ўтган) ўйлаб кўрсак, қария бу гапларни шунчаки эмас, балки сабоқ бўлсин учун айтар экан.

Айтганча, мулла Маҳматқул ҳар ердан ҳар хил гуруч олиб келмасди. Фақат Регардан олиб келарди. Регарнинг гуручи эса ўша замонларда номи чиққан эди. Ҳозирги олиботарлар каби бобо гуручни тонналаб олмасди. Нари борса, юз кило оларди, холос. Шу гуручни токи қишлоққа олиб келгунга қадар минг бир азобни бошидан кечи-

## Олис йиллар шубласи

рарди. Аввал автобусда, кейин юк машинасида, сўнгра эса ўн, ўн беш километр масофага эшақда олиб келарди.

Ҳўш, энди айтинг-чи, бобо бу гуручдан қанча фойда кўрарди? Ўша даврларнинг ҳисоби билан килосига ўн-ўн беш тийин устама кўярди. Бу пулга битта ёки бир яримта қулча берарди.

— Баракасини берсин, — дерди бобо гуручни тортиб бераркан.

Ҳақиқатан ҳам баракасини берди. Бобонинг олти ўғил, олти қизи бор эди, дарвоқе улар ҳозир ҳам бор. Барчаси бирдек барқ уриб кўкардилар, униб ўсдилар. Безиён, бешикаст камолга етдилар. Ва яна денг, худди гуруч донларидек кўпайишиб, чор тарафга сочилиб кетдилар. Яна бир нарсаси, катта оилада аҳил-иноқ бўлиб ўсдилар ва бу аҳиллик кейинчалик ҳам бутунлигича сақланиб қолди. Бу ерда масаланинг мағзи шунда эдики, бобо болаларига ҳалолдан нон топиб едирди, ҳалолдан кийинтирди. Ҳалол яшашнинг, ҳалол топиб едиришнинг манфаати, безаволигини одамлар шунда яна бир қарра кўрдилар, икром бўлдилар.

Маҳматқул бобо бир оламнинг эмас, балки икки оламнинг ҳам ғам-ташвиши билан ернинг бетиди узоқ йиллар яшарди. У икки оламнинг тарозиси борлигини жуда яхши билар, шунга бутун қалби билан икром эди.

Бу икромлик шу қадар эдики, тарозида нарсаси тартаётганда ўта хушёр турарди, паллалардан кўзларини бир зум ҳам узмасди. Мулла Маҳматқул фойдани олам тарозисини ўз фойдасига ўйлатиб, ҳақ тарозиси қошида мулзам тортиб, чорасиз кунларга қолишни асло истамасди.

Маҳмуд АБУЛҒАЙЗ



СПОРТ... СПОРТ... СПОРТ...

## УЧ ҚАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати финалида Ўзбекистон терма жамоаси Россия футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, кетма-кет учинчи мартаба жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлди.

Калининград шаҳрида ўтган X жаҳон чемпионатида дунёнинг энг кучли терма жамоалари голиблик учун куч синашди. Мусобақа қондасига кўра, икки гуруҳда дастлабки икки поғонани эгаллаган терма жамоалар ярим финалга йўлланма олди.

Гуруҳда биринчи ўринни эгаллаган футболчиларимиз 2010 йилги жаҳон чемпионати финалчиси — Аргентина терма жамоасига қарши ярым финал учрашувиди ҳам ҳужумкор ўйин кўрсатиб, рақиб дарвозасига жавобсиз тўртта тўп киритди.

Финалда вакилларимиз мезбон жамоа — Россия футболчиларига қарши тўп сурганига қарамай, кучли ирода ва маҳорат эвазига галаба қозонди. Ҳамюртларимизга жаҳон чемпионати олтин медалини келтирган ягона голни Ҳайдарали Турсунбоев киритди.

## МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Мўғулстон пойтахти Улан-Батор шаҳрида оғир атлетика бўйича ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида ўтказилган Осиё кубоги баҳсида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ўн бешта олтин, саккизта кумуш ва битта бронза медални кўлга киритди.

Ўсмирлар ўртасидаги вазни 85 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида ҳамюртимиз Азамат Шарипов штангани даст кўтаришда 105, силтаб кўтаришда 130 ва иккикураш бўйича 235 килограмм натижа қайд этиб, учта олтин медални кўлга киритди, у шунингдек, ёшлар ўртасидаги беллашувларда ҳам тенгсиз эканини исботлаб, уч мартаба шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Вазни 105 килограммгача оғирликдаги полвонлар ўртасида Сардор Дўстмуродов ёшлар ва катталар ўртасидаги баҳсда штангани даст ва силтаб кўтариш ҳамда иккикураш натижаларига кўра энг юқори кўрсаткични қайд этиб, олтин медални кўлга киритган бўлса, 94 килограммгача бўлган оғир атлетикачилар баҳсида Аваз Идиев ҳам учта олтин медалга сазовор бўлди.

Катталар ўртасида Баҳром Мендибоев ва Жаҳонгир Зинатов учтадан кумуш, Улғабек Олимов иккита кумуш ва битта бронза медал билан тақдирланди.

Интернет манбалари асосида  
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

«Оила ва жамият» газетаси таҳририяти газетанинг жамоатчи муҳбири Шавкат Султоновга олди

Муҳаррам Қурбоновнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

## Газетхон илҳами

### ТАҚДИР

Тақдир дерлар буни азалдан,  
Пешонангда борин кўрасан.  
Бугун ғамнинг юкин ортқоқлаб,  
Эрта бир кун шодлик туясан.

Ношукрлик қилма ҳеч қачон,  
Қаҳри келар Қодирни Ҳақнинг.  
Тан-жонинг соғ, демек бор имкон,  
Давоси бор ҳар қандай дардининг.

Ёмонликдан йироқ бўл дўстим,  
Ҳақиқатни бекитиб бўлмас.  
Бандасидан бўлма умидвор,  
Берган билан қуш қорни тўйма.

Қилсанг агар ниятни холос,  
Яхшиликдан баҳра оларсан.  
Ҳаракатинг кетмайди без,  
Сен албатта, бахтли бўларсан!

## ЯШЯПМАН СИЗСИЗ

Мен сизни кутаман ёлғиз саҳарлаб,  
Тонглар тун билан кўришунча юз.  
Кутаман кечалар ойга термулиб,  
Тилмга келмайди аммо бирор сўз.



Зебинисобегим  
БЕКНАЗАРОВА

Эҳ, аттанг, қайтмайсиз  
олис манзилдан,  
Умидсиз ёлғизлик  
қийнайди мени.  
Ишқингиз кетмайди  
асло дилмидан,  
Азизим, руҳингиз  
англарми шунинг?  
Иккимиз ўтказган  
бахтли дамларни,  
Эсламоқ қанчалик  
тотли ва лазиз.  
Азиз хотирангиз менга суянчидир,  
Бахтлиману, аммо  
яшяпман сизсиз..

## Савол-жавоб

### ПСИХИАТРИК ЭКСПЕРТИЗА АНИҚЛАГАЧ...

Ўз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиغان фуқаро томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслигини қандай аниқлаш мумкин?

И.Исоков

Фуқаролик Кодексининг 121-моддасида қайд қилинганидек, гарчи муомала лаёқатли бўлса-да, бироқ битим тузиш вақтида ўз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиغان ёки уларни бошқара олмайдиغان фуқаро томонидан тузилган битим бу фуқаронинг ёки ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бундай битимни тузиш натижасида бузилган бошқа шахсларнинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилгани мумкин. Бунда асосан судлар томонидан суд психиатрик экспертизаси тайинланиб, битим тузиш вақтида ушбу фуқаро ўз хатти-ҳаракатининг аҳамиятини тушуна олмайдиغان ёки бошқара олмайдиغان даражада бўлганини аниқлайди.

Матлуба ИСМАИЛОВА,  
Фарғона шаҳар 4-сон давлат  
нотариал идораси нотариуси.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Таҳририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун таҳририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



9 772010 760007

### Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Нилуфар САПАЕВА  
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ  
Мусахҳилар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,  
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темура кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга  
олинган. Буюртма Г — 1028. Формати А-3,  
ҳажми 2 табоқ. Адади — 6226. Баҳоси кели-  
шилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20  
Котибият: 234-76-08  
Мухбирлар: 233-04-50  
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5